

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ЮТУҚҚА ЭРИШИШДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ.

О.Бахромов - ЖДПИ спорт турларини
ўқитиш методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада спортчиларнинг муваффақиятга эришишларида мотивациянинг аҳамияти борасида олиб борилган тадқиқот натижалари ҳақида фикр юритилган

Калит сўз: спортчи, мотивация, рол, мотив, муваффақият.

В данной статье рассматриваются результаты исследования о роли мотивации в успехе спортсменов.

Ключевые слова: спортсмен, мотивация, роль, мотив, успех.

This article discusses the results of a study on the role of motivation in the success of athletes.

Keywords: athlete, motivation, role, motive, success.


Мотивацияни ўрганиш жараёнида бир қанча психологик саволларга дуч келамиз, бу саволларга жавоб беришни қийинлиги шундаки, замонавий умумий психологияда ҳам, спорт психологиясида ҳам инсон ҳаракатларининг мотивацияси муаммосига ҳамон аниқ бир ечим топилмаган.

Мотивацияни ўрганишда энг самарали ёндашув Мадсеннинг мотивацияси синтез концепцияси бўлиб, унда йигирмата энг аҳамиятли замонавий мотивация назариясини таққослаб ўрганишга қаратилган ва уларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Бундан келиб чиқиб, фараз қилиш мумкинки, билиш ва динамик жараёнлар индивиднинг кўрсатмаси (установка) билан кучли боғлиқ бўлиб, бу термин собиқ совет психологиясида Д.Н.Узнадзе мактаби ва спорт психологияси номоёндаси В.Г.Норакидзе ишларида кўзга ташланади. Кўрсатма психологияси иккинчи муҳим концепция бўлиб унда спорт фаолияти мотивациясига таъриф беришда муҳим ҳисобланади.

Учинчи концепция Аткинсинг натижавийлик мотивация назарияси бўлиб, инсон мотивациясида муваффақиятнинг ролини аниқлаш учун махсус саволлар қўлланилади.

Ёш футболчиларнинг ютуққа эришишида мотивациянинг роли ва аҳамиятини ўрганишда биз Т.Эллерсинг шахснинг муваффақиятга бўлган мотивацияси методикасидан фойдаландик. Тадқиқот ишларида Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг футбол академияси ўқувчилари иштирок этдилар. Қуйида ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. (1-расм).



3-расм. Шахснинг муваффақиятга бўлган мотивацияси натижалари

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланиб, айтиш жоизки, футбол академияси ўқувчиларида муваффақиятга бўлган мотивация турлича ифодланди, буни биз тадқиқот натижаларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Олинган тадқиқот натижаларига асосланиб, айтиш жоизки, Жиззах футбол академияси тарбияланувчиларида 16%, Қарши футбол академияси тарбияланувчилари 8,3%, Самарқанд футбол академияси тарбияланувчиларининг 13,3% и муваффақиятга бўлган мотивациянинг ўртача даражасини кўрсатди. Муваффақиятга эришиш мотивациясининг юқори даражаси Жиззах футбол академиясида 52 %, Қарши футбол академиясида 33%, Самарқанд футбол академиясида 46,7% ни ташкил қилган бўлса, муваффақиятга эришиш мотивациясининг жуда юқори кўрсаткичи Жиззах

футбол академияси 32%, Қарши футбол академияси 58,4% Самарқанд футбол академияси эса 40% натижаларни кўрсатди.

Олинган натижаларни изоҳлашда Т.Эллерснинг шахснинг муваффақиятга бўлган мотивацияси методикасининг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда иштирок этган ўқувчиларнинг қуйидаги мотивиларга (омилларга) аҳамият қаратдик:

- ўқувчиларнинг индивидуал маҳорати;
- ўқувчиларни машғулотга муносабати;
- ўқувчиларни ўзига бўлган ишончи;
- ўқувчиларни мувоффақиятга (мақсадга) эришишдаги қатъиятлилик.

1-жадвал

Шахснинг муваффақиятга бўлган мотивацияси бўйича тадқиқот натижалари

№	Мотивация омиллари	Жиззах n-22			Қарши n-25			Самарқанд n-23		
		Ўртача 16%	Юқори 52%	Жуда юқори 32%	Ўртача 8.3%	Юқори 33.3%	Жуда юқори 58.4%	Ўртача 13.3%	Юқори 46.7%	Жуда юқори 40%
1	Ўқувчиларнинг индивидуал маҳорати	4,0	13,0	8,0	2,1	8,0	15,0	3,1	12,0	11,0
2	Ўқувчиларнинг машғулотга муносабати	4,0	13,0	6,0	2,1	7,0	14,0	4,1	11,7	10,0
3	Ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончи	4,0	12,0	8,0	2,0	8,1	14,0	3,0	11,0	9,0
4	Ўқувчиларнинг муваффақиятга эришишдаги қатъиятлилик	4,0	14,0	10,0	2,1	10,2	15,4	3,1	12,0	10,0

Ўқувчиларнинг индивидуал маҳорати бўйича олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, бу олим Жиззах футбол академияси тарбияланувчи ўқувчиларида ўртача даража 4%, Қарши футбол академиясида эса 2,1%, Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида 3,1% ни ташкил этди. Олинган натижалар шундан далолат берадики, юқоридаги натижаларни кўрсатган ўқувчилар муваффақиятга эришишда ушбу омилга кўп ҳам аҳамият бермайдилар. Муваффақиятга эришишининг ушбу омилини юқори даражаси Жиззах футбол академияси ўқувчиларида 13% ни, Қарши футбол академияси ўқувчиларида 8,0% ни, Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида эса 12% ни ташкил этди. Олинган натижалар шундан далолат берадики, юқоридаги натижаларни кўрсатган ўқувчиларда мазкур омил юқори даражада аҳамиятга эга. Бу ҳолат ҳар учала футбол академияси тарбияланувчиларининг футбол маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Мазкур омил бўйича жуда юқори даража Жиззах футбол академияси ўқувчиларида 8,0%, Қарши футбол академияси ўқувчиларида 15%, Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида эса 11% кўрсаткични ташкил қилди. Бу натижалар ўқувчиларнинг муваффақиятга эришиш мотивацияси билан боғлиқ. Ушбу омил улар учун етакчи омиллардан бири сифатида муҳим эканлигидан далолат беради (1-жадвал).

Ўқувчиларнинг машғулотга муносабати омили бўйича олинган натижалар асосида куйидаги фикр мулоҳазаларни билдириш мумкин. Ёш футболчиларни муваффақиятга эришиш мотивациясида ушбу омил Жиззах футбол академияси ўқувчиларида ўртача даража – 4%, юқори даража – 13%, жуда юқори даража эса – 6,0% натижани кўрсатди.

Бу натижалар асосида айтиш жоизки, ўқувчиларнинг футбол машғулотларига бўлган муносабати умумий даража бўйича юқори даражани кўрсатиб турибди. Бу эса ўқувчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқишларининг юқорилиги ва машғулотга маъсулият билан ёндошишларидан далолат беради, чунки уларнинг индивидуал маҳоратини ошиши машғулотларга бўлган ижобий муносабатларга боғлиқ.

Мазкур омил Қарши футбол академияси ўқувчиларида 2,1% ўртача даража, юқори даража 7,0%, жуда юқори даража эса 14% ни ташкил қилди. Олинган натижаларга асосланиб, Қарши футбол академияси ўқувчиларининг машғулотга бўлган муносабатини жуда юқори эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу эса ўз навбатида Қарши футбол академиясида футбол машғулотлари юқори савияда ташкил этилиши ва мураббийларнинг тажрибали эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, Қарши футбол академияси ўқувчиларининг тадқиқот жараёнида кўрсатган натижалари бежиз эмас, чунки бу академия Республикада етакчи футбол академияси ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг машғулотга муносабати омили Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида ҳам ўрганилди. Тадқиқот натижалари Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлди: мазкур омилнинг ўртача даражаси 4,1% ни, юқори даражаси 11,7%, жуда юқори даражаси 10% ни ташкил этди. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, Самарқанд футбол академияси ўқувчиларининг машғулотга бўлган муносабатлари ижобий жиҳатдан намоён бўлди, бу эса ўқувчиларнинг футбол машғулотлари жараёнини ташкил этилишидан қониқишларини, индивидуал маҳоратларини оширишида муҳим эканлигидан далолатдир (1-жадвалга қаранг).

Ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончи омили ўқувчиларнинг муваффақиятга эришиш мотивациясида муҳим ҳисобланади. Ушбу омил бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мумкин. Жиззах футбол академияси ўқувчиларининг ўзига бўлган ишончи ўртача даражада 4,0%, юқори даражада 12,0%, жуда юқори даражаси эса 8,0% ни ташкил қилди. Мазкур омил бўйича тадқиқот натижалари Қарши футбол академияси ўқувчиларида қуйидагича намоён бўлди. Ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончи омили бўйича ўртача даража 2,0%, юқори даража 8,1% ни, жуда юқори даража эса 14,0% ни ташкил қилди.

Ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончи омили кўрсаткичлари Самарқанд футбол академияси ўқувчиларда эса ўртача даража 3,0% ни юқори даража

11,0%, жуда юқори даража эса 9,0% ни ташкил қилди. Олинган тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, ёш футболчиларнинг ўзига бўлган ишончи юқори даражада бўлиб, бу ҳолат нафақат футболчиларда, балки бошқа спорт турлари билан шуғулланадиган ўқувчиларда ҳам бўлиши шарт. Чунки спортчида ўзига бўлган ишонч юқори даражада шаклланмас экан, улар муваффақиятга эришиши қийин бўлади. Ёш футболчилар машғулотлар жараёнида техник-тактик тайёргарлик асосида ўзини бўлажак мусобақаларга тайёрлайди, бунда ушбу машғулотлар уларда психологик тайёргарлик хислатларидан бири ҳисобланган ўзига бўлган ишончни шакллантиради. Тадқиқот жараёнида ушбу омилни, яъни ўқувчиларни ўзига бўлган ишончни юқори даражада шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончи омили натижаларида бироз фарқ кузатилди. Қарши футбол академияси ўқувчиларида бу натижа жуда юқори даражада (14,0%) эканлигини кўришимиз мумкин, бу ҳолат Жиззах ва Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида деярли бир хил натижани кўрсатди (8,0% ва 9,0%). Айтиш жоизки, ўқувчиларни ўзига ишончи омили бўйича умумий кўрсаткичлар деярли тенг натижани кўрсатди (Жиззах -24%, Қарши -24,1%, Самарқанд -23,0%). Шу асосда айтиш жоизки, Жиззах ва Самарқанд футбол академияси машғулотларида ёш футболчилар билан психологик тайёргарлик борасида индивидуал ишлашга кўпроқ аҳамият қаратиш лозимлигини қайд этиш лозим. Бу борада Қарши футбол академиясида фикримизча машғулотлар юқори савияда ташкил этилганлигини айтиб ўтиш жоиз (1-жадвалга қаранг).

Шахсни муваффақиятга эришиш мотивациясида ўқувчиларнинг муваффақиятга эришишида қатъиятлилик омили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг муваффақиятга эришиш мақсади йўлида дуч келадиган турли қийинчиликлар, вазиятларга бардош бериши, машғулотлар жараёнидаги жисмоний машқлар катта кучни ва иродавий хусусиятларни

талаб қилади. Бу вазиятда бўлган қатъиятлилик хислатини намоён қилиши лозим.

Шахсни муваффақиятга эришиш мотивациясини тадқиқ қилиш жараёнида биз қатъиятлилик хислатини қай даражада намоён бўлишини таҳлил қилдик. Тадқиқотда олинган натижалар Жиззах футбол академияси ўқувчиларида ўртача даража 4,0% юқори даража 14,0% ни, жуда юқори даража эса 10,0% ни ташкил қилган бўлса, Қарши футбол академияси ўқувчиларида эса ўртача даражада 2,1% ни, юқори даража 10,2%, жуда юқори даража 15,4% ни ташкил этди. Самарқанд футбол академияси ўқувчиларида эса бу омил ўртача даражада 3,1%, юқори даража 12,0% жуда юқори даража эса 10,0% дан натижа кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, футбол академияси ўқувчиларининг муваффақиятга эришишда қатъиятлилик омили кўрсаткичларида бир оз фарқ кузатилди. Мазкур омилнинг жуда юқори даражаси Жиззах (10,0), Самарқанд (10,0) футбол академияси ўқувчиларига нисбатан Қарши (15,4) футбол академияси ўқувчиларида бир мунча юқори даражани кўрсатди (1-жадвал). Жиззах (14,0) ва Самарқанд (12,0) футбол академияси ўқувчиларининг муваффақиятга эришишида қатъиятлилик омили юқори даражаси кўрсаткичларида ҳам фарқни кўришимиз мумкин. Бу омилнинг юқори даражаси Қарши футбол академияси ўқувчиларида эса 10,2% ни ташкил қилди. Умуман олганда мазкур омил бўйича тадқиқот натижаларининг умумлаштирилган даражаси Жиззах (28,0), Қарши (27,7) футбол академияси ўқувчиларида деярли фарқ кузатилмади, Самарқанд (25,1), футбол академияси ўқувчиларида эса нисбатан паст натижани кўрсатди. Лекин ёш футболчиларнинг ушбу кўрсаткичлари уларнинг муваффақиятга эришишда кўрсатадиган қатъиятлилик хислатларини шаклланишини ижобий эканлигидан далолат беради.

Айтиш жоизки, миллионлар ўйин ҳисобланадиган футболнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унда кўпроқ футбол ўйинининг техник-тактик жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бироқ, футбол техникасини

маҳорат билан эгаллаш, ўйинни тактик тизимини юқори савияда амалга ошириш учун футболчидан машғулотлар ва машқлар жараёнида қатъиятли бўлишни, иродавий сифатларини кўрсатишни талаб қилади. Шу жиҳатдан ҳам ёш футболчиларда муваффақиятга эришишида қатъиятлилик омили муҳим ҳисобланади.

Юқорида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида спортда муваффақиятга эришишда мотивациянинг роли борасида қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Футбол академияси ўқувчиларнинг индивидуал маҳоратини оширишда уларнинг футбол машғулотларига бўлган ижобий муносабатни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

2. Ёш футболчиларда ўзига бўлган ишонч мотивини юқори даражада шаклланиши учун уларнинг психологик тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3. Спортда муваффақиятга эришишда спортчиларнинг қатъиятлилик хислати муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун қатъиятлилик омили қанчалик юқори даражада шаклланиши ёш футболчиларнинг муваффақиятга эришишида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

- 1.Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. -ЛГУ.:1969.
- 2.В.Гошек, М.Ванек, Б.Свобода. Успех как мотивационный фактор спортивной деятельности.//В кн.П.А.Рудика и др.“ Психология и современный спорт”. - М.: ФИС,1973.
- 3.Джидарьян И.А. О месте потребностей, эмоций и чувств в мотивации личности.-М.: Наука,1974.
- 4.. Ковалев А.Т. Психология личности. -М.:1965
5. Леонтьев А.Н.Потребность, мотивы, эмоции.-М.: МГУ,1971
- 6.Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирование соревновательной установки спортсменов.

// В кн. П.А.Рудика и др. “ Психология и современный спорт”. - М.: ФИС,1973.

7.Пилюян Р.А. Мотивация спортивной деятельности.-М.:ФИС, 1984.

8.ФайзуллаевА.А. Мотивационная саморегуляция личности.- Т.: Фан,1987.